O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI ХДП

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 31-iyul • Shanba • 89 (31.209) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

■ 29-30 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Парламент қуйи палатасининг муҳокамасига киритилган ҳужжатларнинг асосий қисми суд-ҳуқуқ соҳасига, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига тааллуқли бўлди.

Улар орасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов тақдим этган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси алоҳида ўрин тутади. Ушбу қонун лойиҳасининг долзарблиги мамлакатимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилинган йилда айниқса муҳимдир. Қонун лойиҳаси вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ушбу соҳада махсус қонун қабул қилиниши ўсиб келаётган авлод ўртасида тарбиявий ишлар самарадорлигини янги даражага кўтариш имконини беради. Бундай қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши болалар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишига, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилишига мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётганлигини яна бир карра намоён қилади. Ушбу ҳужжат вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари профилактикаси тизими органлари ва муассасаларини, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини, вояга етмаганлар ва уларнинг оилалари билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш асослари ҳамда тартибини, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартибини белгилайди.

(Давоми 2-бетда.)









Зиёдилла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

## Аҳоли манфаати йўлида

### Фракция фаолияти

■ Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда еттита қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Фракция раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Улуғбек Вафоевнинг таъкидлашича, қонун лойиҳалари муҳокамасига киритилаётган ҳар бир таклиф, аввало, шу соҳага мансуб электорат назаридан ўтказилди, уларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинди. Шундан сўнг қонун лойиҳалари бўйича фракция аъзоларининг маърузалари тингланди.

— «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси гаровга оид ҳуқуқ муносабатлари соҳасида кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи ҳуқуқий меъёрларни қонунда мустаҳкамлашга ва бу соҳада амал қилаётган қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини мувофиқлаштиришга қаратилган, — дейди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов. — Қонун лойиҳасида гаровда кредиторларнинг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқроқ ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши тегишли соҳада ягона меъёрий ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун замин яратади.

→2

### Гапингизда мантиқ бўлмаса *сизга ҳеч ким ишонмайди*

→2

**ЎзЛиДеП нашри «XXI аср» газетасида чиқаётган айрим мақолаларни ўқиб, тўғриси, ғалати саволлар хаёлга келади. ЎзЛиДеП вакиллари обрў қозонишнинг энг яхши йўли мақтаниш деб ўйлашади, шекилли?!**

*Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани яққол намоён бўлмоқда. 2009 йили ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани мамлакатингизда юритилаётган изчил ва кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар бераётган самараларга ёркин мисолдир. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилига асослангани жуда тўғри йўл экани нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилган.*

**Рожер ЭРХАРД,**
***Канаданинг Халқаро ривожланиш агентлиги бош менежери.***

*Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди.*
Ислом КАРИМОВ

### Ўзбекистон ифтихорлари

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига кўра ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун халқаро тоифадаги ҳакамлар Равшан Эрматов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, Рафаэл Илёсов «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

*«Энг улуғ, энг азиз» танловига*

## ОСИЁДА ТЕНГСИЗ, ЖАҲОНДА БИРИНЧИ

***Футбол бўйича жаҳон чемпионатидан кейин ўзбек ҳакамлик мактаби вакилига шундай таъриф беришди***



Футбол бугун шунчаки 22 нафар ўйинчининг ўзаро бир-бирига қарама-қарши турадиган, майдонда ким зўрлигини исботлайдиган оддий курашидангина иборат эмас, балки бутун-бутун халқларни, мамлакатларни бирлаштиришга, турли қитъалардаги юз миллионлаб мухлисларга бир пайтнинг ўзида олам-олам шодлик бағишлайдиган ёки алам-армонга чўмдирадиган кучга айланиб улгурган. Аксарият ҳолларда, айниқса, қитъа ва жаҳон чемпионатидек улкан мусобақаларда футбол ўйин эмас, кўпроқ сиёсатни эслатиб юбораётгани, хусусан, инқироз даврида одамларни қандай чалғитишни билмай боши қотган баъзи давлатлар учун сиёсий ва иқтисодий очко ишлаб олиш воситаси сифатида хизмат қилаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, якунига етган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати биз учун том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлди — ҳамюртларимиз Равшан Эрматов ва Рафаэл Илёсов мундиалнинг ҳақиқий кашфиётига айланиб, уларнинг адолатли ва холис ҳакамлиги туфайли Ўзбекистон номи айрим иштирокчи давлатлардан кўра кўпроқ тилга олинди.

Албатта, ЖАРдаги жаҳон чемпионатининг дастлабки ўйинига Р.Эрматов бош ҳакам этиб тайинланиши барчани бирдай мамнун қилди, деб бўлмайди. Ўшанда ватандошимизга чин дилдан омад тилаганлар билан бирга, бундан ғаши келган, ҳатто ФИФАнинг бу қарорини ошкора танқид қилганлар ҳам бўлди. «Ие, Ўзбекистонда ҳам ҳакамлик бор эканми? Эндигина 32 га кирган ёш йигитга энг йирик мусобақанинг очилиш учрашувини ишониб бўладими? Ахир, бу ўйинни сайёрамизнинг 4,5 миллиард аҳолиси томоша қилади-ку» қабилидаги таъна-дашномлар ҳам билдирилди.

→3

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан фойдаланиш мавзуида минтақавий конференция ўтказди.

## Электорат манфаатини ҳимоя қилишда

### *замонавий технологиялардан фойдаланиш*

Олтиариқ туман партия кенгаши ахборот-ресурс марказида ўтказилган анжуманда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходимлари иштирок этишди.

30 июль куни вилоятнинг Учкўприк туманида Сирдарё вилояти партия фаоллари иштирокида «Ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш» мавзуида амалий семинар, Бувайда тумани партия кенгашида эса шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева қатнашди ва сўзга чиқди.

**Абдуваҳоб АБДУМАННОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*(Тадбир тўғрисида газетамизнинг навбатдаги сонларида тўлиқ маълумот берамиз).*



ОБ-ҲАВО 31.07-01.08.2010

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 35°C | 36°C |
| Самарқанд | 36°C | 37°C |
| Нукус | 39°C | 40°C |
| Қарши | 40°C | 41°C |
| Урганч | 39°C | 40°C |
| Навоий | 39°C | 40°C |
| Фарғона | 36°C | 37°C |
| Бухоро | 39°C | 40°C |
| Андижон | 36°C | 37°C |
| Наманган | 36°C | 37°C |
| Термиз | 41°C | 42°C |
| Жиззах | 37°C | 38°C |
| Гулистон | 37°C | 38°C |
| Тошкент вил. | 37°C | 38°C |
| Лондон | 31°C | 32°C |
| Париж | 32°C | 33°C |
| Москва | 36°C | 37°C |
| Мадрид | 37°C | 38°C |
| Пекин | 38°C | 39°C |
| Гонгконг | 40°C | 39°C |
| Рим | 35°C | 34°C |
| Анқара | 35°C | 37°C |
| Токио | 32°C | 33°C |
| Стокгольм | 31°C | 32°C |
| Кейптаун | 16°C | 15°C |
| Қоҳира | 29°C | 30°C |
| Гавана | 41°C | 42°C |
| Вашингтон | 32°C | 33°C |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 27 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1436,49 | 1 Миср фунти | 281,72 | 1 СДР | 2429,12 | 10 Жанубий Корея вони | 13,44 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2480,41 | 1 Канада доллари | 1549,16 | 1 Туркия лираси | 1059,07 | 10 Япония иенаси | 183,20 |
| 1 БАА дирҳами | 437,29 | 1 Хитой юани | 236,86 | 1 Швейцария франки | 1524,02 | 1 Россия рубли | 52,84 |
| 1 АҚШ доллари | 1605,55 | 1 Малайзия ринггити | 502,91 | 1 Евро | 2091,71 | 1 Украина гривнаси | 203,31 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида депутатлар вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси масалаларини аниқ тартибга солиш, болаларни ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, ота-оналар ва васийлик органларининг масъулиятини ошириш муҳим эканлигини таъкидладилар. Муҳокама чоғида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари ёш авлоднинг экологик таълими ва тарбияси муҳим эканлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмитага қабул қилинган тузатишларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш ва учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш топширилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам гаровга оид муносабатлар субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу ҳақда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Қонун лойиҳасининг мақсади гаровга оид ҳуқуқий муносабатларда кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашдан, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини ўзаро мувофиқлаштиришдан иборат. Қонун лойиҳасида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг айрим нормаларини «Ипотека тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш бўйича қоидалар, шунингдек, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва «Ипотека тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар киритиш таклиф этилган. Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг вакиллари гаров аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш турган пул маблағларини сафарбар қилиш ҳамда уларни кредитлашга муҳтож бўлган субъектлар ўртасида жойлаштириш вазифасини бажарувчи молия-кредит тизимининг ривожланиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун алоҳида аҳамиятга молик эканлигига эътиборни қаратдилар. Бу ўринда гаровга олувчининг ҳуқуқлари кафолатланиши гаровга оид муносабатларни ривожлантиришга ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиши кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси М.Усмонов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида ишлаб чиқилган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасида «Нотариат тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларга, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Оила, Солиқ кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, мамлакатимизнинг бошқа норматив ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

Савол-жавоблардан кейин ҳужжат батафсил муҳокама қилинди. Моддама-модда кўриб чиқиш пайтида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари қонун лойиҳаси жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши лозим бўлган нотариат институтини мустаҳкамлашга, аҳолига малакали юридик ёрдам кўрсатишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан нотариусларнинг малака талабларига, ўз вазифаларини бажаришлари вақтида улар масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни шу боис нотариат тизимининг пухта ташкил этилиши бу соҳада қонунийликнинг барқарорлигига эришишга кўмаклашади. Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар кўриб чиқиши учун Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда киритилди. Мазкур ҳужжат суд-ҳуқуқ ислоҳотини бундан буён ҳам давом эттиришга ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштиришга қаратилгандир. Унда фуқароларни амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш механизмини янада такомиллаштириш назарда тутилган. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Таъкидландики, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишлар амалда пушаймон бўлганлиги учун жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш институти нормаларини амалиётда тўғри ва бир хилда қўллашга қаратилгандир. Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари кўриб чиқиши учун тақдим этилган қонун лойиҳаларининг бир қисми иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларнинг ишончли ҳуқуқий базасини яратишга, иқтисодий ислоҳотларни бундан буён ҳам амалга оширишга қаратилган.

Чунончи, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш.Тешаевнинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январда қабул қилинган «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Солиқ кодексларининг, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг айрим моддаларига тузатишлар киритиш назарда тутилган.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар таъкидлаб ўтдиларки, мамлакатимизнинг айрим қонунларига автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида тартиб ўрнатиш, ижара ҳақи тушуми, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш, бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ ҳудудларда савдо ҳамда хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этиш устидан назорат қилишни йўлга қўйиш мақсадида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонунчилик палатаси муҳокама жараёнида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Депутатлар Б.Иминов, С.Отамуродов, Ш.Тешаев, А.Жумаевнинг қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш.Тешаев маъруза қилди. Қонун лойиҳасининг ташаббускорлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларининг нормаларини бир хилда қўллаш, айрим нормалар ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Айни бир вақтда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари бўлган депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясига, шунингдек, «гўёки» мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишга бўлган ёндашувга нисбатан шубҳа билдирдилар. Хусусан, қонун лойиҳаси ташаббускорларининг мавқеи етарли даражада асослаб кўрсатилмаган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ўртага қўйилган саволларга берилган жавоблардан ва келтирилган далиллардан қониқиш ҳосил қилмадилар. Фракция аъзоларининг фикрига кўра, Божхона кодексининг тегишли моддаларига таклиф этилаётган ўзгартишлар муваффақиятли чиқмаган ва амалиётда нормаларнинг қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин. Кескин ва узоқ давом этган мунозарадан кейин қонун лойиҳаси овозга қўйилди. Унинг якунларига кўра, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан рад этилиб, Қонунчилик ташаббуси субъектларига қайтарилди.

Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун биринчи ўқишда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ижтимоий соҳадаги кафолатланган манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу ҳақда депутатларга Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Қ.Эргашев маълумот берди. Қонун лойиҳасида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақидаги қонунчилик нормаларини жорий этиш назарда тутилган. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзолари алоҳида таъкидладиларки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши жавобгарликни мажбурий суғурта қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларнинг иш берувчилар томонидан бажарилиши устидан назоратни таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий базани вужудга келтиради. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ҳ.Каримова тақдим этган «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари иштирок этдилар. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари таъкидлаб ўтдиларки, ушбу қонун лойиҳасининг концепцияси партиянинг дастурий қоидаларидан келиб чиққан ва электорат манфаатларига мос келади. Мазкур ҳужжатни рўёбга чиқариш аҳолининг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий, таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга ҳамда фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш учун шарт-шароит яратишга, миллий анъаналарни тиклаш ва ривожлантиришга, тарихий-маданий меросни асрашга кўмаклашади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати**

Qishloq Qurilish Bank

пул санаш машинкаларини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

*Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чиққандан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.*

Қўшимча маълумотлар учун: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Тел: 236-74-30, 236-70-89.

**«ТУРКИСТОН-ПРЕСС» НАА ЁАЖ**

***таъсисчилари диққатига!***

*Ҳамза тамани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2002 йил 17 июндаги 000057-сонли гувоҳномасига асосан рўйхатга олинган «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги ёпиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди бир фоизга (6 миллион 31 минг сўмдан 5 миллион 971 минг сўмга) камайтирилганлигини маълум қилади.*

**Кузатув Кенгаши**

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан 2009 йил 28 мартда «Emir Aziya Invest» хусусий корхонасига берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги №049 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# Аҳоли манфаати йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йиғилишда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлик гуруҳи томонидан 300дан ортиқ таклиф киритилгани таъкидланди. Қонун лойиҳасида вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини олдини олиш тизимдаги идоралар ва муассасалар, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ҳамда ваколатлари яхлит тарзда белгилаб берилганига эътибор қаратилди. Хусусан, унда ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан профилактика ишини олиб бориш тартиби, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш асослари ва бошқа масалалар белгиланган.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда қонун ҳужжатлари талабини бузгани учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи белгилаб қўйилган. Шунингдек, лойиҳада маъмурий ишларни кўриб чиқадиган мансабдор шахсларни белгилаш бўйича аниқ қонуний меъёрлар кўзда тутилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзоларининг қизғин муҳокамасига сабаб бўлди.

Маълумки, шу йилнинг 18 май куни маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунда енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда жиноят учун жазо тайинлашнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланган. Қабул қилинган ушбу қонун билан Жиноят кодексига янги 57-модда киритилди. Унда айбдор шахслар пушаймонликни амалий ҳаракат орқали намоён этса, чин кўнгилдан пушаймон бўлса, жиноятни очиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам берса ва уларнинг хатти-ҳаракатларида оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, Жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган жазо тайинланиши белгиланган.

— «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кутубхона ишида фойдаланувчиларга ахборот-коммуникация технологиялари орқали сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга ошириш ва миллий электрон ресурсларни шакллантириш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини яратиш, шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган, — дейди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ҳафизахон Каримова. — Мазкур қонун ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлатнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асос бўлади, кутубхона жамғармалари асосида ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот олами ва маданий-маърифий жараёнини ривожлантириш, бу борада аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг янги турларини шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда кўрилган бошқа масалалар юзасидан ҳам партия фракциясининг нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Гуруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Гапингизда мантиқ бўлмаса

## сизга ҳеч ким ишонмайди

Ўз зиммасига муайян масъулиятни олиб сиёсий майдонга чиққан ҳар бир партия тарафдорлари кўпайишини, жамиятдан муносиб ўрин топишни, сайловларда ғалаба қозониб, давлат бошқарувида фаол иштирок этишни хоҳлайди. Бу эзгу мақсадга эришиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини изчил ва таъсирчан усулда олиб бориш, электоратга, демак, жамиятга фойдаси тегадиган амалий ишлар қилиш талаб этилади.

*Буни ҳар бир партия фаоли яхши билади, албатта. Аммо ЎзЛиДеП нашри «XXI аср» газетасида чиқаётган айрим мақолаларни ўқиб, тўғриси, ғалати саволлар хаёлга келади. ЎзЛиДеП обрў қозонишнинг энг яхши йўли мақтаниш деб билади, шекилли?! Ёки тўғрими, нотўғрими, ишқилиб, бирон-бир партияни танқид қилсак, «одамлар бизни зўр, экан, деб ўйлайди», деган хаёлда юришади. Ҳар ҳолда, «XXI аср» газетасида чуқур ўрганилмаган ва пухта ўйланмаган даъвою иддаоларни айтиш одат тусига кириб бормоқда.*

Яқинда газета чоп этган **«Сўровномадаги саволлар нега жавобсиз қолди? Ёки сиёсий партияларнинг аёлларга доир фаолиятидан қандай хулосалар чиқариш мумкин?»** деган мақола бунга яна бир мисол бўла олади. Мухбир мавзу қамровини жуда кенг олган, ўз ваколатини (партиявий ваколатни ҳам) ортиқча баҳолаб юборган, у амалдаги сиёсий партияларнинг аёлларга доир фаолиятига ўзича баҳо беришга уринган. Мақолани ўқиш жараёнида масала етарлича ўрганилмагани, фикрлар анча юзаки экани, яна бунинг устига, асоссиз ёзилгани мени ҳайрон қолдирди.

Энг қизиғи, муаллиф нима демоқчи экани, мақоладан кўзда тутилган мақсад аниқ эмас. Бир қарасанг, ўзини ўзи танқид қилаётганга ўхшайди. Агар шу билан чекланиб, бу масалада ЎзЛиДеП қуйи ташкилотларининг жойлардаги тажрибаси, ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилса, амалий таклифлар билдирилса, буни тушуниш мумкин эди, албатта. Аммо мақолада бошқа сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДПнинг аёлларга муносабатига баҳо берилади. Муаллиф Самарқанд вилоятида ЎзХДП жами аъзолари сонига нисбатан аёллар сони кам эканини айта туриб, Чироқчи тумани фермер хўжаликлари уюшмаси раиси ўринбосари, собиқ ЎзХДП аъзоси Тамара Алимовани «гапиртиради». Гўё ЎзХДП фаолиятидан қониқмагани учун у ЎзЛиДеПга аъзо бўлибди. Бу мақолани ўқиган Т.Алимова таҳририятимизга шундай хат йўллайди: «Мен 2002 йилдан буён Чироқчи тумани фермер хўжаликлар уюшмасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқдаман. «XXI аср» газетасининг 2010 йиль 15 июль сонида берилган «Сўровномадаги саволлар нега жавобсиз қолди» мақоласини қайта-қайта ўқиб чиқдим ва ҳайрон қолдим. Мен мақола муаллифини 2010 йил мобайнида бирор марта ҳам кўрганим йўқ ва газетага берилган фикрларни ҳам айтган эмасман...»

«XXI аср» газетасида яна бир мисол келтирилади. Баликчи туманида истиқомат қилувчи бир аёл шундай дейди: — ЎзХДПдан ЎзЛиДеПга ўтганман. Назаримда, кейинги пайтларда ЎзХДП фаолияти жойларда анча сустлашиб қолди.

*Мақоланинг шу жойига келганда асл мақсад очилиб қолади. Яъни ЎзХДПдан кўра одамлар бизга кўпроқ эргашмоқда, демак, биз ишлаяпмиз, демоқчи. Бу даъвони англаш қийин эмас.*

Майли, кимдир эътиқодини ўзгартиради, кимдир хизмат юзасидан, кимдир бошқа сабаб билан бир партиядан чиқиб, иккинчисига ўтади. Бу ҳар кимнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Бироқ ҳар қандай таклиф ёки танқид жамиятга фойда келтириши лозим. ЎзЛиДеП вакиллари эса танқидни сохта обрў-эътибор топишга йўналтираётгани очиқ-ойдин кўриниб туради. Бизнингча, кўпчилик ўртасида фикр айтишдан олдин озгина мулоҳаза қилиб, масалани чуқурроқ ўрганиш аввало касбу коримиз тақозоси, айни чоғда маданият меъёри ҳамдир.

*Масалага ойдинлик киритиш учун айрим маълумотларга эътибор қаратайлик. «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган жами 540 нафар депутатдан 241 нафари ЎзХДП аъзоси. Уларнинг 72 тасини аёллар ташкил этади. ЎзЛиДеПдан эса маҳаллий Кенгашга сайланган аёллар 25 нафардан иборат.*

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига жами сайланган 60 нафар депутатдан 4 нафарини аёллар ташкил этса, шундан 3 нафари ЎзХДПдан, 1 нафари ЎзЛиДеП аъзоси.

Вилоят «Фаол аёллар» қаноти тажрибаси, амалий ишлари эътироф этилгани учун ҳам ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Республика конференцияси Самарқанд вилоятида ўтказилди».

Вилоят кенгашининг «Фаол аёллар» қаноти қошида ташкил этилган «Олима аёллар» уюшмасининг «Бибихоним» клуби олиб бораётган тадбирларнинг ўзиёқ танқидга эмас, балки эътирофга муносиб, деб ўйлаймиз.

Биз ХДП аъзоси бўлган аёлларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда раҳбарлик лавозимларида ҳам ишончни оқлаб келаётганига ўнлаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бу маълумотлар ЎзЛиДеПдаги ҳолат билан таққосланса, мақолада айтилган гаплар мантиқсизлиги яна бир бор маълум бўлади-қолади.

Биз аёллар ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш бўйича ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Буни яхши биламиз. Аммо бу борада ЎзЛиДеП бошқаларни эмас, балки ўз фаолиятини чуқур ўрганиб, тегишли хулоса чиқариб олса, кейин ноғора қоқса, маъқул бўлар эди. Акс ҳолда, гапда мантиқ бўлмайди, бора-бора ҳеч ким сизга ишонмай қўяди.

**Дилбар ИМОМОВА,**
**ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси.**

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимидаги

# ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МАСОФАСИ

жамоаси барча темир йўл ходимларини

**1 август — Темирйўлчилар куни**

билан чин юракдан табриклайди.



**Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!**











«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тизимидаги

# 203-TAJRIBA YO'L MASHINA STANSIYASI

жамоаси





Барча темир йўл ходимлари ва меҳнат фахрийларини

**1 август — Темирйўлчилар куни билан**

қизғин ва самимий муборакбод этади.
Сиз, азизларни ушбу байрам билан табриклар эканмиз, барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

*Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни темир йўл транспорти хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу эса барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклаш билан бирга қалбимизни фахрга тўлдиради!*







BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8241 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 23.30
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 4 5
Sotuvda erkin narxda